O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 7 март, № 47 (4200) Чоршанба

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан ёш авлоднинг баркамол ва етук инсонлар бўлиб етишишлари учун кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Муҳими, бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир.

Илм ва ҳунар фаровонликка йўл очади

Халқимизнинг яқин-узоқ тарихига назар ташлар экансиз, ҳунармандчилиги ривожланган ҳудудлар орасида Ургут ҳам ярқ этиб кўзга ташланади. Не бахтки, ҳозир ҳам бу юрт ёшлари отаболари изидан бориб, халқ ҳунармандчилиги сир-асрорларини қунт билан эгаллашмоқда. Айниқса, Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи бу борада мисоли узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб, мазкур касб-ҳунар маскани Японияда ишлаб чиқарилган ёғочни қайта ишловчи замонавий ускуналар билан жиҳозлангач, ўқувчиларда ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқ янада ортди.

СУРАТДА: моҳир зардўз Матлуба Ғафурова шогирдларига амалиёт дарсини ўтмоқда; ёш ҳунарманд Қаҳромон Сиддиқов.
Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг 6 март куни телефон орқали сўзлашуви бўлиб ўтди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасидаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлар муштарак эканлигини таъкидладилар.

(ЎзА)

РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадков 6 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 7 март куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган. Музокараларда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш кутилмоқда.

(ЎзА)

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятда мавқеини юксалтириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

АЁЛЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Тошкент вилояти ҳокимлигида мазкур Фармон ижросини таъминлаш ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда бугунги кунда вилоят шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳаллаларида хотин-қизлар қўмиталари томонидан аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 51 фоизидан кўпроғини аёллар ташкил этади. Уларнинг 60 мингдан ортиғи вилоят саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда. Саккиз минг нафарга яқин хотин-қиз ўз фермер хўжаликлари, кичик корхоналарига эга. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Хотин-қизларнинг 60 минг нафари лицей, мактаб ва коллежларда, олий ўқув юртларида, 40 мингга яқини соғлиқни сақлаш, 16 минг нафари маданият муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш натижасида етти мингга яқин аёл касаначилик асосида иш билан таъминланди.

Йиғилишда халқимизнинг қадим анъаналарини, маънавий-ахлоқий қадриятларини ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш, уларни меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди. Шу билан бирга, аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва тиббий маданиятини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур.

Байрам муносабати билан 35 та маҳаллага сўнгги русумдаги компьютер жамланмаси, фаол хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

Суҳбат мавзуи — дастур ижроси

Жиззах вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган давра суҳбати «Фуқаролик жамияти институтларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йилидаги вазифалари» мавзусига бағишланди.

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси томонидан уюштирилган тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, «Камолот» ЁИҲ ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, ишсизлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантиришнинг ўрни, сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда маҳаллаларнинг масъулияти каби мавзуларда мунозара қилдилар. Фуқаролик жамияти институтларининг бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари ҳақида қизғин савол-жавоблар бўлди. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурининг бажарилиши юзасидан тавсиялар билдирилди. Бу борадаги дастлабки ибратли ишлар, ташаббусларни оммалаштириш лозимлиги таъкидланди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнеснинг Хитойдаги ҳамкори

Қашқадарёлик тадбиркорларнинг Хитой Халқ Республикасидаги «Баочунь» компанияси билан ҳамкорлиги яхши натижа бераяпти. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси кўмагида тузилган шартномалар бўйича хитойлик ҳамкор 43,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий минитехнология ускуналари етказиб берди. Кичик бизнес субъектлари ўз маблағи ҳисобига сотиб олган бу линиялар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Янги техника шарофати билан Касби туманидаги «Юрт ризқи — наслчилик» масъулияти чекланган жамияти колбаса, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, Китоб туманидаги «Тевабоши» фирмаси қатиқ, сметана ва қаймоқни бежирим идишларга қадоқлайдиган бўлди. Қарши шаҳридаги «Фламинго» фирмасида эса полиэтилен идишларда маъданли сув чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан 2006 йил 25 декабрда тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га кўра жойларда ҳудудлараро ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ана шундай тадбирлар Тошкент вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Айни пайтда вилоятда 1400 дан ортиқ маҳалла мавжуд. Ўқув-семинар ишида маҳалла оқсоқоллари ҳудудлар бўйича тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этди.

Мазкур ўқув-семинардан кўзланган асосий мақсад ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, маҳаллалар оқсоқолларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик малакасини оширишдан иборат. Ўқув давомида маҳалла бошқаруви тузилмаси, фаолият йўналишлари ва уни режалаштириш тажрибаси, «Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида аҳамият берилди.

— Маҳалла оқсоқоллари бу ерда барча соҳалар бўйича билим ва кўникмаларини оширди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Янгийўл шаҳар бўлими раиси Маматрайим Қаршиев. — Маҳалла институти аҳоли билан бевосита иш олиб борадиган асосий бошқарув органига айланмоқда. Шунинг учун ҳам оқсоқол билимли, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, маҳалла аҳлига ҳар жиҳатдан ўрнак бўла олиши керак. Бунда эса мана шундай ўқув машғулотлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тингловчилар ўқув жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлаш, нафақа тайинлаш тартиби, маҳалланинг моддий-молиявий базасини шакллантириш ва тақсимлаш борасида кўникмаларга эга бўлишди. Шунингдек, мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

(ЎзА)

Самарадорлик тежамкорликка боғлиқ

Наманган вилояти иқтисодиётида аграр секторнинг салмоғи ўзига яраша. Буни, жумладан, ўтган йилги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 45,8 фоизи айни шу соҳа ҳиссасига тўғри келганидан ҳам билиш мумкин. Замин неъматлари эса вилоятдаги 238,5 минг гектар суғориладиган ерда етиштирилмоқда. Ўсиш кўрсаткичларини янада юксалтириш учун, табиийки, бебаҳо ер ресурсларини асраб-авайлаш, унумдорлигини ошириш, энг муҳими, ундан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг қўшма йиғилишида «Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг долзарб вазифалари тўғрисида»ги масала атрофлича таҳлил этилгани ҳам шундан.

Йиғилишда вилоят ҳокими И. Нажмиддинов мазкур соҳанинг бугунги аҳволи, унда тўпланиб қолган муаммолар ечимига доир чора-тадбирлар хусусида маъруза қилди.

Таъкидландики, тармоқдаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ, вилоятда деҳқончилик қилинадиган ерларнинг асосий қисми қишлоқ мулкдорлари — фермерлар тасарруфига ўтгач, улар ҳар қарич майдоннинг қадрига етиб, экинзорлар самарадорлигини оширишяпти. Масалан, Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги далаларининг ҳар гектаридан собиқ ширкат хўжалигидагига нисбатан уч баравар ортиқ ёки 48 центнердан ҳосил кўтарилди. Поп туманидаги «Элназар Лутфулло» фермер хўжалиги эса ғалла ҳосилдорлигини 72,7 центнерга етказди. Бироқ ҳар қаричи олтинга тенг ер умрини беҳуда ўтказаётганлар ҳам йўқ эмас. Кейинги йилларда ердан фойдаланиш бўйича қонун талабларини бузган ва маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома шартларига риоя этмаган 842 субъектнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор қилингани шундан далолат беради.

Яна бир табиий бойлик — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам бугунги куннинг жиддий талаби. Уни меъёрида ишлатиш, тежаш мақсадида тузилган бирламчи бўғин — 143 та уюшмалар томонидан ибратли ишлар қилинмоқда. Аммо мазкур йўналишнинг долзарб юмушлари ҳам етарли. Чунончи, шамол ва сув эррозиясига учраган 60 минг гектар майдонда аҳволни яхшилаш учун тезроқ лойиҳа ишларини олиб бориш ва уни амалиётга жорий қилиш чораларини кўриш лозим. 25 минг гектарга яқин шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерости сизот сувларини чиқариб ташлашга хизмат кўрсатадиган ирригация тармоқлари таъмирини мунтазам ўтказиш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Йиғилишда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги қонунлар ижросини таъминлашда тегишли идора ва мутахассислар қаторида ҳар бир депутат ҳам ўз ҳудудида шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САВОБДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ

10-11 март — Умумхалқ хайрия ҳашари

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ижтимоий ҳимояга қаратилган. Фуқаропарварлик тамойилларига асосланган бундай ёндошув истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётимизга изчил татбиқ этиб келинмоқда. "Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида қайд этилган вазифаларни бажариш эса орзу-умидларимизнинг ижобати учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бу борада, айниқса, халқимизга хос бағрикенглик, эзгу фазилатларни янада юксалтириш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай хайрли ишлар ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларда маҳалланинг маълум ўрни бор. Ҳукуматимизнинг маҳаллага фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги муҳим орган сифатида қараши ва бу тизимга Юртбошимиз томонидан юксак ишонч билдирилиши бежиз эмас. Президентимиз томонидан 2007 йил 23 февраль куни ПҚ 591-сонли қарорнинг қабул қилиниши бундай ишончнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур қарорнинг 5-бандига асосан, шу йилнинг 10-11 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Шу муносабат билан вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг "Маҳалла" хайрия жамғармасининг тегишли бўлими ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақини ўтказиш белгиланган.

Халқимизнинг эзгу анъаналаридан саналувчи бу тадбирнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури доирасида ўтказилиши, айниқса, катта аҳамиятга эга. Чунки ҳашар давомида ёлғиз кексалар, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олинади. Шунингдек, маҳалла-гузар, кўчалар, хонадонлар, ташкилот-муассасалар ҳудуди ободонлаштирилади. Умумхалқ ҳашари эвазига тушган маблағлар эса маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмаклашиш каби кўпдан-кўп хайрли ишларга сарф этилади. Савобни, эл-юрт дуосини олиш илинжидаги инсон борки, бундай эзгу ишдан четда қолмайди.

Умумхалқ хайрия ҳашари ҳақида гап борар экан, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг маърузаси беихтиёр ёдимга тушди. Ўша куни ўзининг ҳалол меҳнати ила юрт раҳбари назарига тушган кишиларнинг юксак минбардан эътироф этилишидан қаттиқ таъсирлангандим. Эзгуликнинг қаноти бор, дейдилар. Номи тилга олинган юртдошларимиз қалбида бошқаларга яхшилик қилиш, жамиятга фойда келтириш каби туйғулар ҳукмрон эканки, улар ҳар куни савоб ишга бош-қош бўлаётирлар. Не бахтки, улар Юртбошимизнинг таклифлари ва ташаббуслари билан муборак Ҳаж зиёратига бориб келдилар. Тўғри, кимлар учундир Ҳаж зиёратини адо этиш осон туюлар. Аммо эл-юртга нафи тегиб, одамларнинг раҳматини эшитиб, пировардида Президентнинг назарига тушиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Элим, деб, юртим, деб бундай ёниб ишлаш ва яшаш туйғуси умумхалқ ҳашари баҳона бошқаларга ҳам юқса, не ажаб!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Дунё нигоҳи

Анжет ДИКСОН хоним,
Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича директори:

— Кейинги ўн икки ой мобайнида менга Марказий Осиё мамлакатларида яшаш ва ишлаш насиб этди. Бу минтақанинг гўзал маданияти, ҳайратомуз меҳмондўстлиги ва бой тарихига шайдо бўлиб қолдим. Ўзбекистонда Жаҳон банки дастури ижтимоий ва маҳаллий инфратузилмани, жумладан, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳаларини яхшилашга, шунингдек, мамлакат ирригация ва дренаж тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Халқ дардини англаш

саодатдир, дейишмоқда бугун навоийликлар

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини телевизор орқали тинглаган ва газетада ўқиган юртдошларимиз кўнглидаги таассуротларини бир-бирларига ҳаяжон билан сўзлаб бермоқдалар. Улар бу маърузадан ўзларига сабоқ чиқариб, истиқболдаги ишларини белгилаб олмоқдалар.

— Мен саксон ёшга яқинлашаяпман. Доимо шундай тинч-осойишта ҳаётимизни ёмон кўзлардан асрашини сўраб, ният қиламан. Шукрким, биз каби қишлоқ одамларини сўраб тургувчи Ислом Каримовдек улуғ суянчимиз бор, — дейди пири бадавлат инсон, Хатирчи туманидаги «Бойқаро бирлик» фермер хўжалиги раҳбари Салом Шойматов.

Отахон бу йил эл-юрт ободончилигига ҳисса қўшаётган бир гуруҳ тадбиркор юртдошларимиз қатори муборак Ҳаж сафарида бўлиб қайтди. Келди-кетдилардан сўнг даласи томон ошиқди. Юз гектардан зиёд майдондаги ишларнинг боришини кўздан кечирди, ишчиларига тўланаётган маошни оширди...

Таассурот

Унинг ғайрат-шижоати бугун минг нафардан зиёд хатирчилик фермерларга кўчган, десак, муболаға бўлмайди. Чунки улар ерга эртароқ чигит қадаш мақсадида баҳорги юмушларни оби-тобида адо этмоқдалар.

Конимех туманида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. Аждодлари чорвадор ўтган конимехликлар орасида миришкор ғаллакорлар, уста пахтакорлар, танти боғбонлар ҳам етишиб чиқаётгани, айниқса, қувонарлидир. Файзулла Тўйчиев — шулардан бири. У чорвачиликка ихтисослашган «Қўйчи Алибой» фермер хўжалигига бошчилик қилса-да, ҳар йили чўл ҳудудидаги 40 гектардан зиёд майдондан 38 центнердан пахта, 42 центнердан ошириб ғалла ҳосили олмоқда. Ўттиз бошдан зиёд қорамоли бор, демак, сут ҳам бемалол. Қўйэчкилари юстадан ошади...

Файзулла ака дафтарини варақларкан, ҳар бир тармоқнинг «сирлари»га алоҳида тўхталади. Хусусан, паррандачиликни «хазина» деб атайди. Гап шундаки, у ғалладан бўшаган майдоннинг 1,5 гектарига 40 кг. тариқ уруғи сепиб, 40 тонна дон етиштиришга эришибди. Турган-битгани фойда экан тариқ дегани! 1 литр сут таннархи юз сўмга етмаётган бир пайтда тухумнинг бир донасига кетган харажат бозор нархининг ярмига тенг-да.

— Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишни асосий вазифамиз сифатида қайд этгани кучимизга куч қўшди, — дейди «Конимехоазис» масъулияти чекланган жамияти раиси Рамазон Содиқов.

Ўзбекистонлик ва россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида бу манзилда гўштни қайта ишлаб, консервалаш цехлари ишга туширилган. Цехларда эса 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Тез орада балиқ консервалари ҳам «Конимехоазис» ёрлиғи билан сотувга чиқарилади. Коллежларда таълим олган 40 нафарга яқин ёшлар бунинг ҳам уддасидан чиқишига ишонгинг келади.

Ҳа, ҳар томонлама етук, илм ва иқтидор эгалари бўлган ёшларимиз келажакдаги ютуқларимиз таянчларидир. Уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўл ураётганлари таҳсинга сазовор. Фикримизга карманалик ёш устазода Б.Болтаевнинг изланишлари мисол. Ботиржон мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ устозларидан қадим санъатларимиздан ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги билан астойдил шуғулланди. Кейинчалик вилоятдаги тарихий обидалардан бири — Мир Саид Баҳром мажмуасини таъмирлашда иштирок этди. Президентимиз соврини учун «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида эса «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

— Юрт эгасининг бозорларимизни янада обод этишга хайрихоҳлигини мен фақат Президентимиз тимсолида кўрдим, — дейди карманалик кекса деҳқон М.Фармонов.

Унинг куйиниб таъкидлашича, Зарафшон дарёси қайирларида жойлашган бу заминда йилига бир неча марта ҳосил етиштириш имкони бор. Эрта баҳордан бодринг, помидор, сабзи-картошка, қовун-тарвуз каби йигирмадан зиёд маҳсулотлар бу ердаги бозорлардан аримайди. Аммо уларнинг орасида фермерлар ташкил этган дўконлар қани? Бу саволни биз эмас, даврнинг ўзи қўймоқда. Зеро, Юртбошимиз ҳукумат мажлисида ҳамма тадбиркор ҳам ўз аравасини баравар тортмаётганини алоҳида таъкидлади. Белгиланган режаларини адо этмасдан, ернинг қадрига етмасдан юрган сохта деҳқонлар бугун кимларнингдир паноҳида қолмаётирларми?

Бу муаммо навоийликларни ҳам ўйлантирмоқда. Лекин шиддаткор давримиз тўхтовсиз равишда ўз йўлидан оқар дарё янглиғ ҳаракатланмоқда. Ҳалол меҳнатга, севган соҳасига ўзини бахшида айлаган юртдошларимиз шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Озод ва обод юртимизда фидойи инсоннинг меҳнати ҳамиша бахт-иқболга йўл очажак!

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.
Навоий вилояти.

Корхонага – халқаро сертификат

Мамлакат ёнилғи-энергетика тизимидаги йирик корхона — Мубарак газни қайта ишлаш заводида ISO 9001:2000 халқаро стандарти талабларига жавоб берадиган сифат менежменти тизими жорий этилди.

Ўтган йилнинг охирида «DQS Quality Systems» компаниясининг экспертлари корхонада сертификатлаш аудитини ўтказиб, бу ердаги сифат менежменти тизими халқаро андозаларга тўлиқ мос эканлигини эътироф этишди. Аудит хулосасига кўра, заводга «DQS Gmbh» халқаро сертификатлаш органининг махсус гувоҳномаси топширилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замондошларимиз тафаккури ўзгаргани ҳақида кўп гапирамиз. Зеро, мустақиллик йилларида халқимиз дунёқараши, борлиққа муносабати тубдан ўзгарганлигига мутлақо шубҳа бўлиши мумкин эмас. Тинч-осойишта турмуш учун шукроналик туйғуси, имон-эътиқодга таянган адолатли жамиятимиз ривожи эртанги кунга ишончимизни борган сайин мустаҳкамламоқда.

БИР ФЕРМЕР НЕЧТА ОДАМНИ БОҚАДИ?

Шу маънода, одамларимиз онгу тафаккури янаям юксалишини орзу қилган ҳолда, давр қўяётган бир савол орқали ҳамюртларимиз қўйнига қўл солиб кўрдим. Юртимизнинг турли минтақалари — Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида бўлганимда, уларга кўнглимдан ўтиб турган шундай саволни бердим: *«Ўзингиз яшаётган жойдаги аҳволдан келиб чиқиб, айтинг-чи, бир фермер нечта одамни боқади?»*

Четдан қараганда, жудаям содда туюлган бу саволга бир-бирига ўхшамас, кутилмаган жавобларни эшитишга тўғри келди. Айрим жавобларнинг ғалати эканлиги мени ўйлантирди.

Нега ғалати дейсизми? Шу мавзудаги суҳбатларда ишонч ҳосил қилдимки, умумий тасаввурларим бошқа, жойлардаги ҳаёт бошқа экан. Сабаби — 2006 йил якунларидаги қуйидаги рақамларни дилимга жойлаб олган эдим: агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетибди, бошоқли дон экинлари етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 75 фоиздан иборат бўлибди.

Демак, фермерлар меҳнати мамлакат тақдирига бевосита дахлдор. Ерни муносиб эгасига топшириш, бу орқали Ватанимиз гуллаб-яшнашига арзигулик улуш қўшиш зарурлигини нафақат фермерлар, балки бутун жамиятимиз англаб етган. Бу соҳада кўпчилик орзу қилган тизим ишлаб турибди. Давлатимиз раҳбари ҳукумат мажлисидаги маърузасида **фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланганлигини таъкидлаган** ҳолда, мазкур мавзуда мақтов гаплар, баландпарвоз баҳолар ёзилаётганини танқид қилдилар. «Фермерга ҳам талаб қўйишимиз керак» — ушбу сўзлар минбарда янграганида барча маъқуллаб турганини сезиш қийин эмасди.

Энди бевосита ҳалиги саволга олинган жавоблар ҳақида. Албатта, уларни умумлаштириш адолатдан эмас. Лекин барибир шундай фикрлар мавжуд эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

Энг кўп айтилган жавоб шундай бўлди: *«Фермер хўжалигида ўнта одам бўлса, ўнта одамни, ўттизта бўлса, ўттиз одамни, айни пайтда уларнинг оила аъзоларини боқади».* Аслида шундайми? Ахир фермер хўжалигида етиштирилган ноз-неъмат қанчадан-қанча одамларнинг насибаси-ку? Жуда кўплаб фермерларимиз ҳисоб рақамига тушган миллионлаб сўм эвазига касалхона, боғча, болалар ўйингоҳи қуриб беришяпти. Бундай бунёдкорлик ишлари қанчадан-қанча юртдошларимиз ҳаётини яхшилаяпти. Масалага кенгроқ қараш керак эмасми?!

Онда-сонда эшитилган жавобларга эътибор қилинг:

«Фермерлар аввал ўзларини ўзлари уддалаб олишсин».

«Оиласида қанча жон бўлса, шунча одамни боқади...»

«Ҳамма фермерга кўз тиккан, у бизнинг умидимиз».

«Нега энди фақат фермерга қараб ўтиришимиз керак, унинг ўзи ёрдамга муҳтож-ку?»

«Қани эди, ҳамма фермер хўжаликлари гуркураб ривожланса, ҳаётимиз гуллаб-яшнарди».

«Фермер ўзидан ташқари текширувчиларни ҳам боқади».

Бугуннинг фермери. У қандай бўлиши керак? Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери — муқаддас. Ана шу заминдан мўл-кўл ҳосил олиш, ерни юрт манфаатларига хизмат қилдириш фермер елкасидаги масъулиятдир. Афсуски, шундай фермерлар борки, улар имкон борида кўпроқ ерни эгалласам, ундан шахсий манфаатим йўлида фойдалансам, дейди. Фермерга кўрсатилган ғамхўрликни тўғри тушунмайди, кредитларни насия қилиб юради. Сабаб нима, дейсизми? Давр олдинга қўяётган вазифалар моҳиятини англаб етмаслик.

Очиғи, ҳамма вақт ҳам бу борада фермерларни айблаб бўлмайди. Фикримча, кўнгилдагидек муҳитни яратолмаган, фермерга шу гапни тушунтиролмаган туман ҳокимларига эътироз билдирилиши керак. Уларнинг айримлари ҳамон маъмурий-буйруқбозлик замони ўтиб кетганлигини ҳис қилишмаяпти. Тасаввур қилинг: туман ҳокими юзлаб фермерларни мажлисга йиққан. Бирма-бир турғазиб дўқ қиляпти: «Мен ҳеч нарсани билмайман, айтилган ҳосилни ернинг тагидан бўлса ҳам келтириб қўй». Ие, нега ҳеч нарсани билмас экансиз, ўзи йўқ бўлса, қаердан олиб келади? Масалани шундай қўйиш тўғрими? Шунинг ўрнига фермер зиммасида қандай масъулият юки борлигини, уларга бутун халқ қараб турганини уқтирса, ишонтирса, тўғри бўлмайдими?!

Баъзи ҳокимлар фермерлар фаолиятига ҳудабеҳуда аралашишни ишчанлик белгиси, деб ҳисоблашади. Буни қарангки, Бухоро вилоятидаги Ғиждувон тумани ҳокими Толиб Кудратов бир фермер манфаатини «ҳимоя қилиш» учун вилоят хўжалик судида шикояти қаноатлантирилган бошқа бир фермерни камситиш эвазига фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд раисига ишни тўхтатиб туриш бўйича ёзма кўрсатма юборибди. Ҳоким жаноблари туман ҳудудида жойлашган судга ҳам мен ҳокимман, деб ўйлаган, шекилли?

Замон талабларини қалбдан англаган ҳар бир юртдошимиз, у ҳоким бўладими ёки фермерми — барча-барча Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиш ҳақида ўйлаши керак.

Шоҳруҳ ЖАЪФАРОВ.

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битираётган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ўқув юртларининг тегишли идора ва муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлиги яхши самара бераяпти.

Самарқанд туманидаги Равонак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ўқувчилари ҳозирданоқ бўлажак иш жойларини аниқ билишади.

— Йил бошида туман меҳнат бўлимига, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга битирувчилар ҳақида маълумот берамиз, — дейди коллеж директори Собир Зайниев. — Олинган буюртмалар бўйича бўлажак мутахассисларни ўзларига мақбул бўлган корхона ёки ташкилотларга амалиёт ўташ учун юборамиз.

Ўтган йили коллежни битирган 147 нафар йигит-қизнинг деярли ҳаммаси ишга жойлаштирилди. Улар ҳозир асосан туман газлаштириш ва "Сувоқава" корхоналари, "Стеклопластик", "Маориф мебель", "Диёр" масъулияти чекланган жамиятларида меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда коллежни 11 йўналиш бўйича битирадиган 300 нафардан зиёд йигит-қиз учун тегишли корхона ва ташкилотлардан ишга юбориш ҳақида буюртмалар тушмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Ичимлик сув таъминоти яхшиланади

Газетамизнинг 2006 йил 22 ноябрь сонида «Тиниқ сув бошқа-ю, тозаси бошқа» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда Шеробод туманида ичимлик сув таъминотидаги камчиликлар хусусида фикр билдирилган эди. Яқинда Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Н.ТЎРАЕВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича,

«мақолада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда Шеробод туманидаги даволаш масканларида, таълим муассасалари ва аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан муассасалар, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, бу йил тумандаги ўндан ортиқ маҳаллаларнинг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида жами 20 км. сув тармоғини янгидан қуриш, таъмирлаш, насос ўрнатиш ҳамда 9 та сув мораларини қуриш режалаштирилган.

Шеробод тумани давлат санитария-эпидемиология назорат марказига ҳар бир таълим ва тарбия муассасаларида қайнатилган сув ташкил этиш, тумандаги мавжуд артезиан қудуқларида чиқарилаётган истеъмолга яроқли ичимлик сувини хлорлаб беришни назоратга олиш вазифалари юклатилган.

Ҳозирги кунда тумандаги «Уланбулоқ-Таллошкон» сув тармоғини қуриш учун 17,5 км. полиэтилен қувурлар етказиб берилиб, ушбу қувурларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги аҳоли пунктлари ва ижтимоий соҳа объектларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш доимий назоратга олинган».

Бирозгина бўлса-да, миллатнинг юрагини англаш учун бир маротаба «Пахтакор» стадионига боришимиз керак. Бир маротаба ўзбекларнинг хорижлик спортчилар билан қандай қилиб тўп талашганини кўришимиз керак.
Стадион тутундан, ҳайқириқдан, ҳуштаклардан, минглаб чироқларнинг ёғдусидан ғалати бир тусга киради. Олтмиш минг одамнинг жони бир бўлиб кетади. Эт билан тирноқ бўлиб кетади. Ажриқнинг томири бўлиб кетади. Ота билан боланинг қонидек аралашиб кетади.

Ватан сувратига чизгилар

Пойингга кўкламни бошлаб келаман

...Саврда даштга бориш керак. Аслида-ку ўша кезлари ер ҳайдаб, экин экиш керак. Тракторчи қўшнинг ити илтимос қилиш керак. Уйингда маккажўхорининг, амири қовуннинг, Мирзачўл метровойининг уруғлари кутади. Улар ҳалта қопларда жимгина нафас ростлаб туради. Лекин барибир ўша дамларда, бир маротаба бўлса ҳам, даштга бориш керак. Қаричдан ошган ўтларнинг устида бир ош пишгулик муддат ёнбошлаб ётиш керак. Хотининг жавраса жаврар. Маҳаллаком ўзича донолик қилиб, танбеҳ берса берар. Бордию кўнгил тўлиб кетса, тўйиб-тўйиб йиғлаш керак. Йиғлаганинг даштларда сир бўлиб қолади. Суфитўрғай чақимчи эмас.

...Стадионда олтмиш минг одам билан бирга ўтирибсан. Томоғинг қақраб кетади. Ўрнингдан туриб кетгинг келади-ю, туролмайсан. Ҳозир гол бўлади. Ҳозир бизникилар уради. Шодликлар, энтикишлар олдида ярим соатлик, нари борса, бир соатлик сувсаш нима дегани ўзи? Кўзларинг қорачиғида ўйинчилар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа елиб-югуришади. Кўнглингнинг гадой топмас бир бурчида эса илинж яшайди. Ўзинг ҳам ўша илинж юрагининг «гурс-гурс» уришини эшитиб турасан. Ҳозир, мана ҳозир. Чанқоқ қийнагандан қийнайди. У бир пиёла сув сўрайди. Шу билан инжиқлигимни бас қиламан, дейди. Аммо ўрнингдан туролмайсан. Ахир ҳозир гол бўлади. Турсанг, олтмиш минг одам сипқарадиган қувончлардан фақат сен бенасиб қоласан. Ўтиришинг керак. Кутишинг керак. Илинж чопони барини қўйиб юбормаслигинг керак.

...1990 йилнинг декабрь ойи ўта изғиринли келди. Шакарқор нафас ростлаш нелигини билмасдан ёғарди. Туман марказидан қайтаётиб машина чироғининг ёруғида домламиз Акрам Худойназаровни кўриб қолдик. Турғун Худойбердиев ҳам, мен ҳам худди келишиб олгандек «Орқага қайтамиз» деб юбордик. Совуқдан эти жунжиккан Акрам ака машинага ўтиргач, яйраб кетди. У тинмай бизни алқарди. Биз дурлар дунгизида чўмилдик. Биз мақтовлар дарёсига ғарқ бўлдик. Акрам ака машинадан тушгач ҳам қўллари дуодан бўшамади.

Акрам ака Худойназаров бизга тил ва адабиёт фанидан дарс берганди. Энди дарс бермайди. У киши энди мўйсафид бўлиб қолган. Энди икки қишлоқ орасидаги уч чақиримлик йўл ҳам унга оғирлик қилади. Унга фақат бир нарса сира-сира маъқул келмайди. Бизларни кўрса, бас: домламизнинг тиллари болга айланиб кетади. Кафтлари дуога очилади. Шундай кезлари ер ёрилиб, ерга кириб кетгиси келади одамнинг.

... Бундан ўн беш йил муқаддам бизнинг қишлоқдан шаҳарга такси қатнамасди. Кишилар фақат автобус пойлашарди. Кейин қаердандир битта таксичи пайдо бўлди. Ўша таксичига бошқалар бир сўм берса, Ниёзмамат ака, албатта, икки сўм берарди. Бу ҳол анча пайт давом этди. Таксичи уни «молодец, молодец» дея мақтарди. Орадан йиллар ўтди. Бир куни Ниёзмамат ака ёрилди. «Учта азамат ўғлини ташлаб, бир бой хотинга уйланган. Пул, деб, ўй-жой, деб шундай қилган. Мен пулни аямайман. Ўзим машина минмасам минмайман. Аммо унга кира ҳақини икки ҳисса тўлайвераман. Қани, қачон пулга тўяркан...»

Ниёзмамат ака кимга аччиқ қилаяпти? Унинг аччиғию писандасини киракаш қачон англаб етаркан? Ана боринг, у англаб етди ҳам дейлик. Хўш, нима ўзгаради?

Баъзан аччиғимиз келади. Баъзан ётиғи билан Ниёзмамат акага гап ўқтиришга тушиб кетамиз. У эса қўл силтайди. «Учта азамат ўғил-а! Ҳали биронтаси уйлангани йўқ. Бу одам сира-сира биринчи оиласидан хабар олмайди...» дейишдан чарчамайди у.

... Сирдарёлик журналист Аблаз Яхшиликов пича дардманд бўлиб қолди. Пича дардманд бўлиб қолган Аблаз Яхшиликовнинг ажабтовур қилиқлари бор, десак, ишонаверинг. Бир куни мана бундай бўлди. Бурчмуллалик менинг бир танишим тўйга таклиф қилди. Узоқ йўлга ҳамроҳ яхши деган ўйда у кишини шерик қилиб олдим. Тўй ҳам ўтди денг. Уйга қайтар пайтда Аблаз акани йўқотиб қўйдим. Сўраб-суриштиришлар бесамар кетди. Гулистондан келган таниш-лари билан жўнаб кетгандир, деган ўйда тўй эгалари билан хайр-хўшлашдим. Учинчи куни янгамиз телефон қиляпти: «Акангиз қани? Уч кундан буён дараклари йўқ. Ахир, тўйга сиз билан кетганди...» Тузуккина хавотирга тушдим. Бурчмулла қайдасан, дея йўлга отланганимда автобекатда не кўз билан кўрайки, оғзи қулоғида бўлиб Имо-ишоралар, бошни сарак-сарак қилиб «кетдик» деган имлашлар унга заррача таъсир қилмайди.

Аблаз ака Яхшиликов бирозгина бетоб бўлиб қолди. Бирозгина яхши юролмайдиган бўлиб қолди. У умрида, бирон маротаба бўлсада, ўзганинг мушугини «пишт» демаган одам. Унда умуман манфаат деган туйғу йўқ. Манфаат тушунчасидан умри давомида айланиб ўтиб яшаётган одам ким десангиз, мен бўлса бўларди. У хафа бўлмади. У ранжимади. У жамоасини ёмонламади. «Ҳозир ҳамманинг ташвиши бошидан ошиб ётибди. Бу тўйга келмаса бошқаларига келади. Ҳали невараларимга тўй қиламан. Улар ўшанда келади...»

Бу одамни баъзан қучоқлаб олгинг келади. Бошингни унинг кўксига қўйгинг келади. Кафтларига юзингни босиб тавоф қилгинг келади. Ёш боладек унинг қаршисида тиз чўкиб сиз нега шунақасиз, Аблаз ака, дегинг келади. Одамлар сизни алдашади, алдаб туриб устингиздан кулишади, дегинг келади. Бироқ деёлмайсан. Деганинг билан акамиз сенинг гапларингни ҳазм қилолмайди. Кўзларини пирпиратиб, сенга шундай жовдираб қарайдики, айтган гапингга пушаймонлар ейсан.

Бизнинг қалбимиз ҳам шунчалик майинми? Бизнинг кўнглимиз силаган бармоқлар ботиб кетувчи бахмалми? Бизнинг юрагимиз момоларимиз чигитлаган оппоқ пахтами?

... Мактабни тугаллаб, хайрлашув кечасига тўпланганимизда Тожихол йиғлаганди. Титраб-титраб, кўнглию кўкси ўксиб-ўксиб кўзёш тўкканди. Биз эса кулгандик. Ҳаёт деганлари мана энди бошланади, деб.

У қўл етмас юлдузларнинг Зуҳроси эди. Умрида бир марта бўлсин, эркак кишининг йўлини кесиб ўтмаганди. Юзларини ёпгудек киприклари яширган шаҳло кўзлари, бир маротаба бўлсин, на тенгдошларига, на ўқитувчиларга тик боққанди. Билсак, кўнглида кўкламлар кезинган экан. Англасак, энг тоза чечаклар унинг юрак чашмаларидан сув ичган экан. Кумушбиби экан у. Фақат Марғилонда эмас, бизнинг қишлоқда яшовчи биби экан у. Маъсум қалби билағон экан. Мактабни тугаллагач, у, бор-йўғи, ўн икки йил яшади. Фақат ўн икки йил гул бўлиб бўй таратди, холос.

... 2006 йилнинг 24 декабрь куни Боёвутда қоқигул қиқирлади. Қиқирлаган бу гулни момоқаймоқ ҳам дейишади. Ўша куни энди тамом, энди бундан буён омонликлар бошланади, дея кўнглимдан ўтказдим. Гул нозиккина эди. Ийманибгина кулимсираб турарди у.

Серноз, серкарашма минглаб гуллар орасида қоқигул жудаям кўримсиз. Уни кўрмай ўтиб кетиш мумкин. Уни билиб-билмай босиб олиш мумкин. Ҳадеганда эътиборни ҳам тортмайди у. Саратону кузакларда мастона-мастона очилувчи гуллар ёдимда. Ифоридан бошлар айланиб, кўзлар тинувчи гуллар ёдимда. Дераза токчаларида ўсувчи серфироқ гулларни унутиб бўладими? Улар шу қадар дид, эътибор, вақт талаб қиладики, бари-барини бирма-бир ёзиб адоғига етказишнинг ўзи мушкулдир. Арзимас елвизакдан лаб буришади улар. Қўлингиз тегиб кетса, сўлиб қолишади улар. Бирор кун беэътибор бўлсангиз, юзларини четга буришади улар.

Қоқигулда на таманно бор, на ноз-фироқ. Унинг юмуши оддий. У кўкламдан муждалар олиб келади. У кўкламдан ўпичлар олиб келади. Қоқигуллар ялпизлардан ҳам илдамроқдир. Уларнинг олдида қалдирғочлар ҳам ип эшолмайди.

Акрам ака Худойназаров, Ниёзмамат ака, исми бошқача бўлса ҳам садоқатда Кумушбиби билан бўйлашадиган Тожихол, умрида ҳеч кўрмаган одамларнинг хизматини қилиб юрадиган Аблаз акам...

Уларни ҳар гал момоқаймоққа ўхшатгим келаверади. Уларни қоқигулларга тенглаштираверамаи.

Менинг хокисорларим! Менинг тама аталувчи қўлмаклардан сув ичмайдиган азизларим! Билмасангиз, билиб олинг... Сизлар гул бўлганда ҳам оддий гул эмассизлар. Сизлар эзгулик қўйнида тебраниб турган райҳонсизлар. Сизлар тоза юракларнинг пинжида ширин-ширин тамшаниб нафас олаётган чечаксизлар.

Буни фақат ўзларинг билмайсизлар...

Публицистика

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сешанба куни Нью-Йоркда АҚШ ва Шимолий Корея делегациялари ўртасида Пхеньяннинг ядро дастури юзасидан кенг кўламли музокаралар бошланди. 2000 йилдан буён биринчи марта Шимолий Корея делегацияси Америкага ташриф буюрди.



2006 йилда Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш 25 фоизга ортди. БМТ экспертларининг тахмин қилишича, жорий йилда бу кўрсаткич яна бир неча мартага ошиши мумкин. БМТнинг гиёҳванд моддалар ва унинг савдосига қарши курашиш бошқармаси мутахассисларининг билдиришича, мамлакатнинг шимолий ва марказий ҳудудларидаги кўкноризорлар имкон қадар йўқ қилинган, лекин бу хатти-ҳаракатлар кутилган самарани бермаяпти.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари ва Германия Эронга нисбатан ишлаб чиқилган янги резолюция лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Лойиҳани Буюк Британия, Франция ва Германия давлатлари вакиллари муҳокамага тақдим этди. Эслатиб ўтамиз, бундан икки ойча олдин Эронга мамлакатда олиб борилаётган ядровий тадқиқотларни тўхтатиш учун 60 кунлик муддат берилганди. Бироқ расмий Теҳрон бу муддатда ўз ниятидан воз кечмади. Эндиликда АҚШ ва унинг Европадаги иттифоқчилари Хавфсизлик Кенгашидан Эронга нисбатан қўшимча чоралар қўллашни талаб қилмоқда.

Жазоирда «Ал-Қоида» ташкилоти жангарилари Россиянинг «Стройтрансгаз» компанияси ходимларига ҳужум уюштирди. Отишмалар чоғида тўрт киши қурбон бўлди. Уларнинг бир нафари Россия фуқаросидир. Олти киши турли даражада жароҳатланди.

АҚШ Лотин Америкаси давлатларига молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Президент Жорж Буш Лотин Америкасининг бир қатор давлатларига ҳафталик ташрифи бошланишидан олдин бу ҳақда баёнот берди. Бугун унинг Бразилия, Уругвай, Колумбия, Гватемала ва Мексикага расмий сафари бошланди.

Германия ЕИга раҳбар давлат сифатида Абхазияда ўтказилган парламент сайловларини тан олмаслигини билдирди. Баёнотда айтилишича, иттифоқ Грузиянинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади ва қўллаб-қувватлайди. Бу масалада Туркия, Хорватия, Македония, Албания, Босния, Сербия, Герцеговиния, Украина ва Молдованинг ҳам Абхазиядаги сайловларга муносабати ЕИ билан якдил.

Бағдоддаги гавжум бозорларнинг бирида камикадзе ўзини ўзи портлатиб юборди. Дастлабки маълумотларга қараганда, мазкур хунрезлик 30 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Жароҳатланганлар ва ҳалок бўлганлар орасида ёш болалар, аёллар бор. Мамлакат бош вазири Нури Малики Буюк Британия ва ироқлик ҳарбийларнинг Басрада ўтказган ҳарбий амалиётидан норози эканлигини маълум қилди. Якшанба куни британиялик ва ироқлик ҳарбийлар Басрада жойлашган Миллий разведка агентлигида текширув ўтказгандилар.

Буюк Британия ҳукумати Эфиопияда гаровга олинган ўз фуқароларини қутқариш учун Эритрияга махсус бўлинма жўнатди. 5 нафар англиялик ўтган пайшанба куни Эфиопиянинг Эритрия билан чегарадош ҳудудидаги Афар музофотида номаълум қуролланган шахслар томонидан гаровга олинганди. Гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра, гаровдагилар Эритрияга олиб кетилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Шаҳристон филиали бошқаруви томонидан чиқарилган 2185719 дан 2185725 гача ораликда бўлган ТХ 1 ш бланкалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТЎЛОВНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

вақтни ҳам, харажатни ҳам тежайди

Пластик карточкаларнинг амалиётга кириб бориш жараёни изчил ва жадал давом этмоқда. Кўпгина давлатларда паспорт тизимини пластик карточкалар ёрдамида шахсни аниқлаш, яъни идентификация қилиш тизимига ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Электрон технологиянинг кескин ривожланиши ахборотларни қоғозда ташиш усулидан секин-аста воз кечиб, электрон ташувчилар хизматидан фойдаланишга ўтиш имкониятини бермоқда. Жумладан, қоғоз пул бирлиги тўлов воситаси сифатида ишлатилишининг камчиликлари аллақачон инсонлар томонидан аниқланган.

Банк тизими

Бугунги кунда пластик карточкалар дунёнинг 220 дан ортиқ давлатларида муваффақиятли ишлатилмоқда. Уларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келганига ҳали кўп вақт бўлмаганига қарамай, бу янгиликка бўлган ишонч йилдан-йилга ошиб бормоқда. Пластик карточкаларнинг тўлов воситаси сифатида ишлатиш қанчалик қулай, ишончли эканлигини халқ орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бугунги кунда банкларнинг, хусусан, «Асака» банки ходимларининг олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

2006 йил «Асака» банки учун бу соҳада муваффақиятли йил бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 433-сонли қарори талабларини бажариш борасида банк томонидан муайян ишлар олиб борилди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилгани натижасида 194 000 тадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳамда банк ғазналарига 1800 та терминал ўрнатилди. Бошқача айтганда, 2006 йил 1 январь ҳолатига нисбатан карточкалар сони 43 000 тага, терминаллар сони эса 199 тага ошди. Айни чоғда, республика бўйича «Асака» банкининг савдо терминаллари орқали ўтган пул айланмалари ҳажми 19,52 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2006 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 13,56 млрд. сўм кўпдир.

«Асака» банки тизимида

Ўтган йили банк томонидан, шунингдек, ташкилот ва корхоналарда ойлик иш ҳақи тўловларини пластик карточкалар орқали амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Ҳозирги кунга келиб эса, бундай ташкилот ва корхоналар сони 2470 тадан ошиб кетди. Тошкент шаҳрининг ўзида ҳозирда 1000 тага яқин ташкилот ва корхона ишчи-хизматчилари ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олмоқдалар. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича «Асака» банки тизимида жорий этилган иш ҳақи лойиҳалари аввалги йилнинг шу давридагига қараганда 237 тага ортди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги ҳамда 2004 йил 1 ноябрдаги қарорлари талабларини бажара бориб, банк барча филиалларининг омонат кассалари ва мини банкларида коммунал хизмат тўловларини пластик карточкалар орқали тўлашни амалга ошириш учун терминаллар тармоғини ҳам кенгайтирди. Уларнинг сони 119 тага етказилгани бунинг тасдиғидир.

Халқаро пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш тизими ҳам узлуксиз ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 873 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, 1200 тага яқинлашиб қолди.

Шуни таъкидлаш лозимки, банк томонидан, пластик карточкалар орқали иш ҳақини оладиган корхона ишчи-хизматчиларига 3 ойлик ўртача даромади миқдорида кредит тақдим этиш хизмати йўлга қўйилган. Жумладан, шу усулда истеъмол товарлари сотиб олиш учун ажратилган кредит (овердрафт) миқдори, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1,33 млрд. сўмга етди. 4400 тага яқин пластик карточка эгалари эса ушбу хизмат туридан фойдаландилар.

Банк томонидан ҳар йили карточка тизимини ривожлантириш мақсадида янги-янги банк хизматлари тақдим қилинаяпти. Хусусан, 2006 йилда карточка эгаларига янги SMS банкинг хизмати таклиф этилди. Мазкур хизматнинг афзаллиги шундаки, у орқали пластик карточка соҳиби ўзининг ҳисоб рақамига маблағ тушгани ҳақида маълумотга эга бўлади. Бундан ташқари, улар ўз талаби билан карточка орқали ўтказилган амалиётлар ҳақида, ҳисоб рақами қолдиғидаги маблағ ва бўш маблағлар хусусидаги маълумотларни ҳам ола биладилар.

Бир сўз билан айтганда, бугун халқимиз пластик карточкалар нафақат пул тўлашнинг қулай усули эканлигини, балки ўз даромадини ошириш, пировардида халқ хўжалигимиз ва иқтисодиётимизни ривожлантириш, давлатимизда банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартиришга ҳам хизмат қилувчи молиявий восита эканлигини амалда тушуниб етмоқда. Шу боис «Асака» банки жамоаси бундан кейин ҳам ана шу йўналишдаги ишларни изчил олиб бораверади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ «ИСТЕЪДОД» жамғармаси

ЧЕТ ЭЛ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН ГРАНТ СОВРИНДОРЛИГИГА ТАНЛОВ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ:

- Информацион технологиялар
- Менежмент
- Туризм ва сервис
- Маркетинг
- Молия ва кредит
- Бизнесни бошқариш
- Суғурта бизнеси
- Иқтисодиёт ва менежментда информацион тизимлар
- Халқаро иқтисодий алоқалар
- Сиёсатшунослик
- Педагогика ва инновацион технологиялар
- Социология
- Психология
- Юриспруденция
- Халқаро ҳуқуқ
- Кончилик саноати
- Нефть ва газ саноати
- Муҳандислик фанлари
- Электроэнергетика
- Технологик машиналар ва жиҳозлар
- Кимё технологиялари ва биотехнологиялар
- Нанотехнологиялар
- Озиқ-овқат саноатида замонавий технологиялар
- Қишлоқ хўжалиги
- Экология
- Медицина
- Ветеринария
- Ўзбекистон тарихи
- Журналистика
- Телекоммуникация

Ҳужжатлар 2007 йилнинг 12 мартидан 31 мартигача қабул қилинади.

Танловда иштирок этишга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Жамғарма бошқаруви раиси номига ариза (қайси чет тили (инглиз, француз, немис ёки рус) бўйича имтиҳон топширилиши ва танланган йўналиш кўрсатилиши лозим).
2. Белгиланган намунадаги жамғарма сўровномаси.
3. Белгиланган намунадаги маълумотнома.
4. Ариза топширувчининг чет элда малака ошириб келиши лозимлигини асословчи илмий кенгаш қарори.
5. Таржимаи ҳол.
6. Нашр қилинган илмий ишларининг рўйхати ва ихтироларининг иқтисодиёт соҳаларида ишлатилганлиги ёки татбиқ этилганлиги тўғрисида ҳужжат.
7. Олий ўқув юртини битирганлиги, фан номзоди, фан доктори илмий даражаси ва доцент, профессор илмий унвони тўғрисидаги дипломларнинг нусхаси.
8. Ариза берувчи ишлаётган ташкилот раҳбари томонидан тавсиянома.
9. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.
10. Паспорт (асли) ва унинг нусхаси.
11. 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома.
12. 3,5 x 4,5 ўлчамидаги 6 дона рангли фотосурат.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- *Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;*
- *таълим муассасаси (университет, институт, коллеж, академик лицей, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар) педагоги ёки илмий ходими бўлиши;*
- *чет тилларидан (инглиз, немис, француз ёки рус) бирини мукаммал билиши;*
- *танлаган мутахассислиги бўйича камида узлуксиз 3 йиллик педагогик меҳнат тажрибасига эга бўлиши ёки 2-йилда ўқиётган илмий ходим (аспирант, тадқиқотчи ёки докторант) бўлиши.*

«Истеъдод» жамғармасининг 2004 йилги грант совриндорларига хорижда ўрганган илғор тажрибаларини республикамизда оммалаштириш борасида уч йил самарали фаолият олиб борганларига мониторинг натижалари асосида мазкур танловда қатнашишга рухсат берилади.

«Умид» жамғармаси грант совриндорлари ўрнатилган тартибда 5 йил ишлагандан сўнг ўзлари ишлаётган вазирлик, ташкилот, корхона ва муассасанинг биринчи раҳбари ҳамда жамғарманинг мониторинг бўлими томонидан унга нисбатан ижобий хулоса берилган тақдирда, жамғарма грант совриндорлигига танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов 3 босқичдан иборат бўлиб, 2007 йилнинг март-апрель ойларида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-босқич. Талабгорнинг танлаган йўналиши бўйича иқтидорини ва билим савиясини аниқлаш мақсадида тавсия этган таълим муассасасининг махсус ҳайъати томонидан ўтказилади ва илмий (педагогик) кенгаш қарори билан расмийлаштирилади.

2-босқич. Белгиланган тартибдаги ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги етакчи таълим муассасаси раҳбари (университет, институт ректори) тавсияси асосида тайинланган масъул шахс томонидан (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун «Истеъдод» жамғармасида) қабул қилиниб, қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- *танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатларни кўрикдан ўтказиш;*
- *мутахассислиги бўйича чет тилини (МДҲ мамлакатларида малака оширишни хоҳловчилар учун рус тилини) билиш даражасини аниқлайдиган суҳбат;*
- *компьютер саводхонлиги (Word, Excel, PowerPoint, Internet ва шу каби дастурларни билиш) даражасини аниқлаш.*

3-босқич. Талабгорларнинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги, шунингдек, чет тилларидан (МДҲ мамлакатларида малака оширишни хоҳловчилар учун рус тилини) бирини билиши даражасини аниқловчи ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари юзасидан тест имтиҳонлар ўтказилади.

Мандат ҳайъатида қатнашишга фақат барча босқичлардан муваффақиятли ўтган даъвогарларга рухсат берилади.

Вилоятлардан грантларга даъвогарлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги қуйидаги етакчи таълим муассасаларига мурожаат қилишлари мумкин:

№	Таълим муассасаси номи	Телефон
1.	Қорақалпоқ давлат университети	(3612) 23-60-47, 23-60-78
2.	Андижон давлат университети	(3742) 22-18-63, 25-05-09
3.	Бухоро давлат университети	(3652) 23-23-14
4.	Гулистон давлат университети	(3672) 25-02-75, 25-45-85
5.	Жиззах давлат педагогика институти	(3722) 26-13-57
6.	Қарши давлат университети	(3752) 25-34-13
7.	Навоий давлат кончилик институти	(4362) 23-82-30, 78-51-23
8.	Наманган давлат университети	(3692) 26-55-01, 25-10-07, 32-53-27
9.	Самарқанд давлат университети	(3662) 35-19-38
10.	Термиз давлат университети	(3762) 22-87-16
11.	Урганч давлат университети	(3622) 26-61-66
12.	Фарғона давлат университети	(3732) 24-28-71, 24-35-32

Ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилда ишлайди:

Тошкент ш., Маҳмуджон Ғофуров (собиқ «Олмазор») к., 171-уй, «Истеъдод» жамғармаси биноси.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 132-60-18, 132-62-40 ёки Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги етакчи таълим муассасалари.

«Истеъдод» жамғармаси маъмурияти.

Муҳтарам газетхон!

«Халқ сўзи»нинг 4 ва 5-саҳифалари бепул илова қилинади.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

КОРХОНАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги "Тадбиркорфермерсервис" хусусий корхонаси воҳа ўқув муассасаларига сифатли, ҳар томонлама қулай ва нисбатан арзон мебеллар етказиб бермоқда.

Ўтган йили бу ерда 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тадбиркор Ҳаёт Мансуров раҳбарлик қилаётган корхонада тайёрланган 20 турдаги маҳсулотнинг бир қисми янги қурилган коллежларни, яна бир қисми қишлоқ туманларидаги турли муассасаларни жиҳозлаш учун харид қилинди.

Корхона Музработ иқтисодий-ижтимоий касб-ҳунар коллежида таълим олаётган ўндан зиёд эҳтиёжманд оиланинг фарзандларига махсус стипендия жорий этиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Етти нафар ижтимоий кўмакка муҳтож талаба дарсдан бўш пайтларида корхонада ишлаши учун қулай шароит яратиб берилди.

Бундай хайрли ишлар Ижтимоий ҳимоя йилида янада изчил давом этаётир. Ишлаб чиқаришдан келаётган даромаднинг бир қисми мурувват тадбирларига йўналтирилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ **«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

2007 йил 27 март куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2005 йил 16 сентябрдаги 2-211/05-сонли ижро ҳужжатига асосан, тақдим этилган Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Себзор» автомашина майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11М93-06 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №7124416, кузов №ХТА21060000694900).

Бошланғич баҳоси — 745 358 сўм 10 тийин.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

ШУНИНГДЕК,

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори асосида 2007 йилнинг февраль ойида ташкил этган аукцион савдолари натижасида 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Q26-74 бўлган «ГАЗ-24» автотранспорти 1 200 000 сўмга, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30I57-98 бўлган «ГАЗ-24» автотранспорти 469 200 сўмга, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11F49-11 бўлган «ГАЗ-24» автотранспорти 304 500 сўмга, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AF041 бўлган «Дамас» автотранспорти 7 534 750 сўмга, 1992 йилда ишлаб чиқарилган «АУДИ-80» автотранспорти 721 300 сўмга, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30К88-01 бўлган «ВАЗ-21061» автотранспорти 780 000 сўмга, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30Р60-37 бўлган «ВАЗ-21061» автотранспорти 2 300 000 сўмга, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30К98-23 бўлган «Москвич-412» автотранспорти 336 000 сўмга, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10W59-01 бўлган «Москвич-412» автотранспорти 336 000 сўмга, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30В09-15 бўлган «ЗИЛ-1309-138» автотранспорти 1 400 000 сўмга, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11О34-93 бўлган «ВАЗ-21013» автотранспорти 363 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Хизматлар лицензиялланган

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №2

2-1. Навоий шаҳридаги 960 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш.

Буюртмачи — Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй. Тел./факс: 224-08-81.
Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 2007 йил 1 июль.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85.**

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

КАБЕЛНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ
2 МЕТР 2 МЕТР
ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ
Манзил: Телефон:
КАЗИЛМАСИН КАБЕЛЬ

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+998371) 132-12-55, 136-44-09, 134-66-98. Факс (+998371) 132-20-83. e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензиялланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси қўмита аъзоси П.Ж.Жўраевга онаси **НОРБИБИ момонинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Биржа» республика иқтисодий газетаси ЕАЖ жамоаси газетанинг мухбири бўлиб ишлаб келган таниқли адиб ва таржимон **Асқар МАҲКАМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси жамоаси «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти бош мутахассиси, меҳнат фахрийси **Қўзибой Абдураззоқович МУНАВВАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» компанияси жамоаси ишлаб чиқариш ва оператив бошқармаси бошлиги Рустам Исроиловга падари бузруквори **САФАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ТУРОНБАНК»

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва баҳор байрами – 8 март билан самимий қутлайди!

Сизларга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда муваффақият ва мақсад сари интилишни тилайди.

Ҳамиша бахтиёр, гўзал ва севимли бўлинг!



2006 йил якуни: рейтинг натижалари
2006 йил якуни бўйича Ўзбекистон банклари ассоциацияси

«АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ

томонидан ўтказилган рейтингда 22 та тижорат банки иштирок этди

Баҳолаш натижаларига кўра, улар фаолиятининг якуний рейтинги 32,48 бални ташкил қилиб, 2005 йилдаги натижаларга нисбатан ижобий ўсиш динамикаси кузатилди. Банк тизимидаги бундай ижобий ўзгариш тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаб берувчи асосий рейтинг кўрсаткичларининг ўсишида ўз аксини топди.

Тижорат банкларининг рейтинг кўрсаткичлари таркибида, айниқса, кўламлилик кўрсаткичининг ўсиши юқори даражада бўлди.

Кўламлилик кўрсаткичи банкларнинг жами активлари ва ўртача ойлик даромадларининг ҳажми билан баҳоланиб, ўтган давр мобайнида 9,29 балдан 12,96 балга ўсди. Сабаби — қулай макроиқтисодий муҳит шароитида тижорат банклари ўз фаолиятлари кўламини янада кенгайтирмоқда. Натижада бултур рейтингда иштирок этган тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 41 фоиз ўсди.

Шу билан бирга, йирик тижорат банкларининг сони ҳам ортмоқда. Агар 2006 йил бошида рейтингда иштирок этаётган банклар таркибида жами активлари 100 млрд. сўмдан зиёд бўлган банкларнинг сони 5 тани ташкил этган бўлса, 2006 йил якунлари бўйича улар қаторига яна 3 та банк — «Кредит-Стандарт» банки, «Ипак йўли» банки ва «Капиталбанк» қўшилди.

Банклар активларининг ўсишига уларнинг мижозларидан жалб қилинган пул маблағлари ҳажмининг ўсиши ва тижорат банкларининг капиталлашиш даражасининг ортиши ҳисобига эришилди. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва аҳолининг банк хизматига бўлган ишончининг мустаҳкамланиши банкларга пул маблағлари тушумининг кўпайишини таъминламоқда. Жумладан, ўтган йил давомида банк мижозларининг депозит ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиғи 58 фоизга ошди.

Кучайиб бораётган рақобат шароитида банклар томонидан мижозлар қамровини янада кенгайтириш, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва хизмат сифатини ошириш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, банк филиаллари ва мини банклари тармоғини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўтган давр ичида банклар капиталининг етарлилик кўрсаткичининг рейтинг бали ҳам 40,95 балдан 43,93 балга ўсди. Банкларнинг капиталлашиш даражасининг ортиши асосан ички манбалар ва қўшимча акция чиқариш ҳисобига юз бермоқда. 2006 йилда рейтингда иштирок этаётган банклар томонидан 50 млрд. сўмликдан ортиқ миқдорда қўшимча оддий акциялар муомалага чиқарилиб, банкларнинг тўланган устав капитали ҳажми 63,9 фоизга кўпайди. Бунда банклар устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талабнинг ортиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банкларнинг капитал етарлилиги кўрсаткичи (жами капиталнинг таваккалчиликка тортилган активларга нисбати) ҳам юқори даражада бўлиши таъминланмоқда. Йирик банклар гуруҳида «Микрокредитбанк» (2006 йил якунлари бўйича капитал етарлилик кўрсаткичи 54,6% ни ташкил этди), «UzKDBбанк» (42,5%), «Ғаллабанк» (32,9%), ўрта банклар гуруҳида «Ўзбек-Турк банки» (40,8%) ва кичик банклар гуруҳида «Ўктамбанк» (62,5%) капиталлашиш даражаси бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган банклар ҳисобланади.

Активлар сифатининг рейтинг баҳоси эса якун бўйича 56,59 бални ташкил этди (2005 йилда – 55,25 бал). Молиявий таваккалчиликларни қамайтириш мақсадида тижорат банклари ўз активларининг тегишли даражадаги диверсификациясини сақлаб туришмоқда.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозори ва инвестиция жараёнларидаги иштироки кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида банкларнинг қимматли қоғозлар портфели ва узоқ муддатли инвестициялари ҳажми сезиларли даражада ортди. Хусусан, рейтингда иштирок этаётган банкларнинг қимматли қоғозлар портфели миқдори 41,3 млрд. сўмдан 127,4 млрд. сўмга ўсди. Банклар қимматли қоғозлари портфели таркибининг асосий қисми кредит таваккалчилик даражаси нолга тенг бўлган давлат қимматли қоғозлари ва Марказий банк қимматли қоғозларидан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида, бу қимматли қоғозлар портфелининг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда банкларнинг даромад манбалари ҳам кенгаймоқда. Бу, ўз навбатида, банклар кредит фаолиятидан келадиган фоизли даромадларга боғлиқлик даражасининг камайишига шароит яратади. Фоиз ставкалари пасайиб, банк хизмат турлари кенгайиб бораётган бир пайтда банклар жами даромадлари таркибида фоизсиз даромадларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Тижорат банклари халқаро пул ўтказмалари, экспорт-импорт шартномаларига хизмат кўрсатиш ва бошқа ҳисоб-китоб хизматларидан юқори даромад олишга эришмоқдалар.

Банкларнинг жорий ликвидлилик кўрсаткичи 2006 йил якуни бўйича 73,25% ни ташкил этиб, Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий кўрсаткичга нисбатан анча юқори даражада сақланмоқда. Юқори ликвидлилик даражасига эга бўлган банклар банкларарo пул бозори ва қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этмоқдалар.

Кредитлар ва сармоялар бўйича фоиз ставкаларининг камайишига қарамай, банклар рентабеллик кўрсаткичлари юқори даражада бўлишига эришмоқдалар. 2006 йил якунига кўра, рейтингда иштирок этаётган банклар устав капиталининг рентабеллик кўрсаткичи 55,7% ни, жами капитал рентабеллиги — 16,1%, жами активлар рентабеллиги — 3,0 фоизни ташкил этди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар банк тизимига янги инвестицияларни жалб қилиш имконини бераётганини кўрсатади.

Йирик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Кредит-Стандарт» банки	60,21	1
«Ўзсаноатқурилишбанк»	55,96	2
«Пахтабанк»	51,46	3
«Трастбанк»	41,60	4
«Капиталбанк»	39,33	5
«UzKDBбанк»	37,61	6
«Ғаллабанк»	36,14	7
«АБН АМРО БАНК МБ» Ўзбекистон АЖ	8,00	8

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Алп Жамол банк»	45,28	1
«Парвинабанк»	34,31	2
«Туронбанк»	34,05	3
«Ўзбек-Турк банки»	30,17	4
«Савдогарбанк»	24,14	5

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Даврбанк»	49,86	1
«Ўктамбанк»	25,48	2
«Универсалбанк»	13,57	3
«Туркистонбанк»	13,13	4
«Самарқандбанк»	9,21	5

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ

ЖАМОАСИ

меҳрибон аёлларимизни баҳор байрами – 8 Март билан табриклайди!

Барча аёлларимизга соғлиқ, хотиржамлик ва оилавий бахт-саодат тилайди.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан бир ярим йилга:

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача;
- юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача;
- фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда микросармоялар ажратади.

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда икки йил муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматларини кўрсатади.

«Микрокредитбанк»нинг электрон ҳамёнлари — пластик карточкалари ишончли ва қулайдир. Айниқса, банкнинг пластик карточкалари орқали фаолият кўрсатадиган «Хазина-карт» омонат тури жамғармаларингизнинг доимий тарзда кўпая боришини таъминлайди.

«Микрокредитбанк» ўз сармоялари билан кичик бизнес субъектлари ва якка тадбиркорларга ёрдам беради, ҳатто узоқ қишлоқлардаги оилалар учун ҳам барқарор даромад манбалари яратишга кўмаклашади.

Мурожаат учун телефонлар: 173-04-40, 173-28-11, 173-15-81.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

«Микрокредитбанк» АТБ тизимида жисмоний шахслар учун амалда бўлган миллий валютадаги омонат турлари

№	Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча	Чекланмаган	6%	Чекланмаган	Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.
2.	«Орзу»	3 ой	18%	50 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
3.	«Тадбиркор»	6 ой	18%	25 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар олдиндан тўланади.
4.	«Нуроний»	1 йил	18%	Чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
5.	«Сиҳат-саломатлик»	1 йил	18%	1 000 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар ҳар чоракда тўланади.
6.	«Тежамкор-коммуналчи»	2 йил	18%	Чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
7.	«Истеъмол» жамғармаси		банк маржаси 6%	150 000 сўм	Мазкур жамғармага маблағ қўйган шахсга 1,5 ойдан сўнг қўйилган маблағининг уч баравари миқдорида «Истеъмол» кредити ажратилади. «Истеъмол» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар «Истеъмол кредит»га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади.
8.	«Она юрт»	3 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
9.	«Ҳомий»	4 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
10.	«Шифокор»	5 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
11.	«Мучал тўйи»	3 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоиз тўловлари омонатчининг мучал ойида тўланади.
12.	«Омад»	4 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
13.	«Эгасининг номи кўрсатилмаган»	Чекланмаган	18%	100 000 сўм	Фоизлар омонатчига маблағ қўйилган куни аванс тариқасида, лекин 1 ойдан ошмаган муддат учун берилади.
14.	«Муддатли-мақсадли»	1 йил	18%	Чекланмаган	Омонат бўйича фоиз тўловлари ойма-ой ҳисобланиб истеъмол кредити ва унга ҳисобланган фоиз тўловини ёпиш учун йўналтирилади.

Хизматлар лицензиялаштирилган

ҲИКМАТ БОҒИ, ТАФАККУР ЧАМАНИ



Алишер Навоий ҳақида сўз кетганда, у зотни ғазал мулкининг султони, деб таърифлашга одатланиб қолганмиз. Назаримизда, бу таъриф ҳам оздек туюлаверади. Навоийни шеърият мулкининг султони, деб аташ тўғрироқ бўлар. Негаки, буюк сўз санъаткори шеъриятнинг барча жанрларида ғоят маҳорат билан қалам тебратган. Шоир девонларига жамланган мустаҳзод, қасида, туюқ, фард, қитъа, чистон, рубоийлар бадиий адабиётнинг нодир намуналаридир. Биргина «Хазойин ул-маоний» (Чор девон)нинг ўзида 16 жанрдаги ижод намуналарининг мавжудлиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Навоий кунда керак

Мутолаа давомида амин бўласизки, Навоий қитъа жанри устаси сифатида ҳам машҳур. «Хазойин ул-маоний» девонларида жами 503 байтни ташкил этувчи 210 қитъа бор. Улар «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васат», «Фавойид ул-кибар» девонларида деярли тенг миқдорда жойлашган.

Худди ғазаллари сингари Навоий қитъаларининг мавзу доираси ҳам кенг ва рангбаранг. Уларда ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари қамраб олинган. Қитъаларда шоир ҳаёт ҳақида, унинг қувончлари ва ташвишлари ҳақида ўй суради. Умрнинг қисқалигини, уни яхшиликка, хайрли ишларга сарф қилиш лозимлигини уқтиради, меҳру вафо, садоқат, саховат, камтарлик, ҳалоллик, тўғрилик каби энг яхши инсоний фазилатларни улуғлайди. Уларнинг акси бўлган бадхулқ, нопок, риёкор, манман, жафокор, зулмпеша кишиларни қоралайди.

Адолат ва инсоф қитъалардаги бош мавзулардан бири. Айниқса, ҳукмдорларни шафқатли, адолатли, мурувватли бўлишга чорловчи мазмун билан йўғрилган ёки ана шу истак, орзу акс этган қитъалар «Хазойин-ул-маоний»да жуда кўп.

Мол-дунёга ҳирс қўймоқ оқибати хатарлидир. Баднафслик домига тушиб, бойликка ружу қўйма. Олтин-кумуш ушласанг, қўлингни, унга берилган ҳирсу ҳавас кўнгилни қора қилади, дея таъкидлайди шоир. Шу боис ундан узоқ юр!

Кўп олтин, кумуш сори қўл сунмоғил,
Ки тутсанг кафингни қаро ранг этар.
Кўнгилда даги майлини асрама,
Ки кўнгилни доғи ҳамул ранг этар.

Ёмон феъл-атвор ва одатларни қораловчи қитъаларни ўқир экансиз, уларнинг айримлари шоир билган, кўрган, кузатган ўзи билан замондош бўлган реал шахслардан бирига қаратилганлигини ҳам сезиш қийин эмас.

Фалонга ажаб ҳол эрурким халойиқ,
Не қилса олар бирладур можароси.
Сола олмас эл ошига бир нуқуд, гар
Тузилмас анинг бирла эл ароси.
Қозон йўқки ул анда кафлиз эмастур,
Ки бўлсин юзиға қозонлар қароси.

Бу байтларни ўқир эканмиз, эл манфаатларини ўйламайдиган, халқ билан чиқиша олмайдиган, унинг кун кечириши учун бир нўхат бера олмаслиги устига турли можароларни бошлаб, улус бошига турли кулфатларни ёғдирадиган, ҳар қозонга суқулаверадиган кафгирдай ҳуда-беҳудага ҳар ишга аралашаверадиган бадфеъл мансабдор кимса кўз олдимизда гавдаланади. Шоир бундайларнинг юзига қозоннинг қароси суркалсин, дея ҳақли ҳукм чиқаради.

Одоб-ахлоқ катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мулойимлик кабилар инсон учун зарур фазилатлар эканлигини таъкидлайди донишманд шоир. Уқтирадики, эй ўғлон, кексалар кўнгли шу қадар нозикки, улар билан муомала қилганда, сўз айтганда, одобсизлик, беандишалик қилма. Негаки, дарахтнинг қуруқ шохи болалар ўйнаганда сал нарсага ҳам синиб қолгани каби сал ноўрин сўз туфайли қариялар қалбига ҳам шикаст етишини ҳаргиз унутма.

Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.
Унуттингмуки, атфол ўйноғунда,
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

Илм эгалласанг, ҳунар эгалласанг, нодир хислатлар эгаси бўлсанг, ана шунда чин инсонсан. Шоир фалсафаси ана шундай.

Тавозе, ўзини паст тутиш яхши, уни давлатмандлар одат этса, яна яхши. Ўзгалар билмай айб қилса, кечириш дуруст хислат, у бағрикенг кишиларга хос бўлса, яна соз. Негаки, бу — эл осойиши ва қудратига сабаб. Бировга саховат, мурувват, ҳиммат кўрсатиш кам учрайдиган нодир фазилат, айниқса, беминнат бўлса яна ҳам. Бу неча фазилатлар, хислатлар эгаси бўлган кишилар улуғлар таъкидлаганлари сингари комиллик касб этган инсонлардир.

Тавозўъ яхши аммо яхшироқдур,
Агар даъб этса ани аҳли давлат,
Эрур ҳам авф хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлғай эл топқонда қудрат.
Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ғнида миннат.
Ҳаким инсони комил дебтур ани,
Ки бўлғай зотида бу неча хислат.

Юқоридаги ва бошқа ўнлаб қитъалар ҳам мундарижа, ҳам бадиийлик жиҳатидан ғоят мукаммаллиги билан бирга, улар мутафаккир, мураббий шоирнинг ҳаёт ҳақидаги сабоқларига ўхшайди. Бу пурмаъно сатрлар кишини турмуш қарама-қаршиликларидан, пасту баландидан огоҳ қилади, умрни эзгу ишларга бахш этишга ундайди.

Навоий ҳазратларининг ўз қитъалари ҳақида ёзган қитъаси бор:

Мунтоқ муқаттаотки, мен йиғмишам, эрур,
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар учун фароғ.
Мажмуин ўйла кишвари, англаки сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ.

Шоирнинг ўзи таъриф берганидек, бу қитъалар кишига завқ-шавқ, фароғат бағишловчи ақл боғига, зеҳну заковат гулзорига ўхшайди. Ҳар бир қитъа бир кошона, улар бирлашса, бир мамлакатки, боғлари ҳикмат суви билан камолга келган, яшнаган.

Отабек ИСМОИЛОВ.

Спортимиз юлдузлари

Қашқадарё каратэ мактаби тарбияланувчиси София Каспўлатова ўзбек спортининг ифтихорларидан саналади. У Осиё чемпионатида беш марта шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олган. 2001 йил Грециянда ўтган жаҳон чемпионатида бронза, 2002 йил Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медаль билан тақдирланганди. Якунланган 2006 йил ҳам София Каспўлатова учун омадли бўлди. Юртдошимиз Дохада ўтказилган XV Осиё ўйинларида (+60 кг) ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Ўзбекистон довруғини дунёга таратаётган спортчимиз меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони ва «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Яқинда навбатдаги мусобақаларга тараддуд кўраётган Софияни таҳририятимизга таклиф этдик.

София КАСПЎЛАТОВА:

«ЗАБТ ЭТИЛАЖАК ЧЎҚҚИЛАРИМ ҲАЛИ ОЛДИНДА»

— София, юрт фахрига айланиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Спорт билан ўтаётган ҳаёт йўлингизни қандай баҳолайсиз?

— Ишчилар оиласида туғилганман. Оилада икки ўғил, уч қизмиз. Мен тўртинчи фарзандман. 8 ёшимдан бошлаб дзюдо, кейинчалик эса футбол билан шуғулланганман. 1994 йилда, яъни 12 ёшимда Қарши шаҳридаги спортсоғломлаштириш марказида каратэ тўгараги борлигини эшитиб, ўша ерга бордим. У ерда «Қора белбоғ» 5-дан соҳиби Алишер Содиқовга шогирд тушдим. Қилган меҳнатларим эвазига бир йил ичида Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Ўша пайтларда ҳозиргидек имкониятлар қаёқда эди, дейсиз. Умуман, шароити бўлмаган, қоронғу тор залларда машғулотларда қатнашардик.

Оиламизда спортни севувчилар кўп. Акам Руслан Каспўлатов — дзюдочи. Мамлакат чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлган. Укам Наиль Каспўлатов изимдан бораяпти. Уч марта ёшлар ўртасида (55 кг вазнда) Ўзбекистон чемпионати совриндори бўлишга улгурди.

— Ҳозир Осиё қитъасидаги энг номдор каратэчилардан бирисиз. Аксарият спортчилар сизнинг даражангизга эришиш учун ҳаракат қилишади. Бошқа спортчилар ҳам София Каспўлатова сингари зўр бўлиш учун нималарга эътибор беришлари керак, деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимизда спортнинг хоҳлаган тури, жумладан, каратэ билан шуғулланиш учун ҳам шароит етарли. Кейинги йилларда Тошкентда ва вилоятларда юзлаб замонавий спорт мажмуалари қад ростлади. Энди ёшлардан фақат тинимсиз меҳнат, кўпроқ ўз устида ишлаш талаб этилади. Спорт ҳам бир касб, биринчи навбатда уни севиш керак. Шунда ютуқлар аста-секин келаверади.

— Каратэ мамлакатимизда жадаллик билан ривожланяпти, деб айтиш мумкинми?

— Бугун каратэ Ўзбекистондаги энг оммалашган спорт турларидан бири десак бўлади. Юртимизда кўплаб халқаро турнирларни мунтазам ўтказиб туриш анъанага айланиб қолди. Каратэ билан шуғулланувчилар сони саксон мингдан ошиб кетди. Шу спорт тури бўйича машғулотларда қатнашаётган қизлар ҳам кўпайди. Демак, энди қизлар ўртасида ўтадиган мусобақаларда ҳам рақобат ўз-ўзидан кучаяди.

— Фаолиятингиздаги энг эсда қоларли мусобақани айтиб бера оласизми?

— Кўплаб нуфузли мусобақаларда ғалаба қозонганман. Ҳаммасининг алоҳида ўрни бор. Лекин мен учун энг муҳими ва эсда қоларлиси ўтган йили декабрь ойида Дохада ўтган XV Осиё ўйинлари бўлди. Биласиз, каратэ ҳали Олимпиада ўйинларига киритилмаган Осиё ўйинлари биз учун Олимпиада даражасидаги мусобақалардан саналади. Мусобақага бир йил мобайнида қаттиқ тайёргарлик кўрдим. Саралаш беллашувларида КҲДР, Макао, Хитой Тайпейи вакилларини катта устунлик билан мағлубиятга учратдим. Финалда Бирлашган Араб Амирликларининг тажрибали спортчиси Майта аль-Мактум рақиб бўлди. Ўша кунлари терма жамоамиз учун ҳар бир медаль муҳим эди. Рақибимни енгиб, олтин медални қўлга киритган пайтдаги қувончимни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

— Спортда ҳамма орзу қиладиган ютуқларга деярли эришиб бўлдингиз. Лекин инсоннинг эзгу ниятлари чексиз...

— Ҳозир каратэни Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш учун иш олиб борилаяпти. Агар шу иш тезроқ амалга ошса, Ўзбекистон байроғини Олимпиада ўйинларида ҳам баланд кўтаришни истайман.

— Қанчалик машҳур спортчи бўлишидан қатъи назар, қачонлардир шоҳсупадан кетишга тўғри келади...

— Ҳали бу ҳақда ўйлашга бироз эрта бўлса керак. Агар шундай вақтлар етиб келса, каратэда тўплаган тажрибамни, маҳоратимни мураббий сифатида ёшларга ўргатиш, оила қуриб, фарзандлар тарбиялашни ният қилиб қўйганман.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ўтган йилни спортчиларимиз ёмон якунлашмади. Жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирларда кўплаб медаллар қўлга киритилди. Айниқса, XV Осиё ўйинларида яхши иштирок этдик.

Май ойида Токиода VIII Осиё чемпионати бўлади. Ҳозир шунга тайёргарлик кўраяпман.

«Халқ сўзи» мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.

«Пахтакор» юқориламоқда

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони ва кубок соҳиби «Пахтакор» янги мавсумни ғалаба билан бошлади.

Дарвоқе, бош жамоамиз эришаётган муваффақиятлар Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) мутахассисларини ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Куни кеча федерация дунёдаги энг кучли 350 футбол жамоасининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, «Пахтакор» 152-поғонадан жой олди. Шуниси эътиборлики, ҳамюртларимиз Осиё клублари ичида учинчи ўринда қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз, рейтингда жамоаларнинг сўнгги ўн икки ой ичида миллий чемпионат, мамлакат кубоги ва халқаро мусобақалардаги натижалари бош мезон қилиб олинади.

Рейтингда кучли учликни «Севилья» (Испания), «Интер» (Италия) ва «Барселона» (Испания) жамоалари банд этган.

«Порше – Арена» чемпионлик жангини кутмоқда

Профессионал боксчинг ўта оғир вазнида WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) чемпионлик камарига айни кунда россиялик Николай Валуев эгалик қилмоқда. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев унга биринчи рақамли даъвогар эканлигини яхши биласиз.

«Sauerland Events» промоутерлик компанияси матбуот хизмати чемпионлик жанги учун Германиянинг Штутгарт шаҳридаги муҳташам «Порше — Арена» спорт мажмуаси танланганини маълум қилди. Чипталар сотуви ҳафтанинг ўрталарида бошланади.

Муҳим учрашув олдидан ҳар иккала боксчи журналистларга берган интервьюсида бир-бири тўғрисида илиқ фикрлар билдиришган:

— Руслан Чагаев жуда кучли рақиб, — дейди Николай Валуев. — Шу сабабли ушбу учрашувга жиддий ҳозирлик кўраяпман. Тайёргарлик жараёнининг биринчи босқичи Санкт-Петербург шаҳрида бўлди. Якуний босқични Германияда ўтказмоқчиман. Ғалаба қозониш учун бор имкониятимни ишга соламан.

— Кўпчилик Николай Валуев яхши техникага эга эмаслиги тўғрисида гапиради, лекин мен бу фикрга унчалик қўшилмайман, — деди Руслан Чагаев. — Чунки чемпионлик камари унда. Германияда ушбу муҳим учрашувга ҳозирлик кўраяпман. Ким кучли эканлиги рингда маълум бўлади.

Эслатиб ўтамиз, чемпионлик жанги жорий йилнинг 14 апрель куни бўлиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Китобдан улуғ совға йўқ

Китоб ўқиш керак...

Китоб ўқиган, газета варақлаган одам бошқача бўлади: кўп билади, топиб гапиради, зеҳни ўткир бўлади. Китоб инсон учун ҳам дўст, ҳам ҳамроҳдир. Китоб ўқиб инсон ўзи кўрмаган жойларни кўради, ўзи билмаган воқеа-ҳодисалардан хабар топади, дунёқараши ортади, оқни қорадан фарқлайди.

Фарғона туманидаги Миндон қишлоғида яшовчи Абдуқаюм Нурматовни кўпчилик билади, танийди. Эл суйган муаллим, жонкуяр маърифатчи, комил ва етук раҳбар, китоб шинавандаси деган муносиб таъриф-тавсифлар бу одамга бежиз берилмаган. У Фарғона вилояти ва туман идораларида ишлади, 10-мактабда директорлик қилди. Қисқаси, Абдуқаюм Нурматов ярим асрдан зиёд маънавият-маърифатни тарғиб қилиб келади.

Абдуқаюм отанинг яхши бир одати бор. Бу — мунтазам китоб ва газета ўқиб бориш. Бу одат унинг жон-жонига, қон-қонига сингиб кетган. Ўзи ҳам қизиқарли мақолалари билан республика, вилоят ва туман матбуотида қатнашиб туради. Гарчи 78 ёшга кирса ҳам!

Устознинг уйида шахсий кутубхона бор. Бунда 25 мингга яқин китоб жамланган. У китоб тўплашни ҳамон давом эттираяпти. Домланинг кутубхонасидан турли китоб, ҳар хил газета-журнални сўраб келувчилар кўп.

— Китоб, газета ва журнал жуда катта бойлик, — дейди А.Нурматов. — Оиламиз аъзолари 13 хил газета-журналга обуна бўлишган. Уларни ўқиб, мазза қиламан. Телевизор ва радиони охиригача кўриб, тинглаб бўлганимдан кейин дам оламан.

Кундалик ҳаётимиз хилма-хил, яхши ва айрим ҳолларда кўнгилсиз воқеаларга бой. Ҳаёт мазмунидан биров роҳат қилса, биров азоб тортади. Буни ҳаёт тарозиси ўлчаб, белгилаб беради. Мана шундай дунё билан юзма-юз ҳодисаю воқеаларни одамларга батафсил, ўз вақтида етказиб турадиган мўъжиза, хабарчи — бу газетадир.

Мен ортиқча мол-дунё йиғмадим, шоҳона уйлар солмадим, дабдабали тўйлар қилмадим. Шундай қилмаганим учун ҳам шукр қиламан. Булар ўрнига китоб, газета-журнал йиғдим. Ҳозир ҳам йиғаяпман, сотиб олаяпман. Аслида маънавият, маърифатдан катта бойлик йўқ. Донишмандларимиз бежиз «Бешикдан қабргача илм изла» дейишмаган.

Рости, Абдуқаюм отадек китобга меҳр қўйган инсонни мен бошқа учратганим йўқ. У ҳақиқий, ашаддий китоб ишқибози, китоб ихлосманди. Домла китобга дастхат ёздириб олишни ҳам одат қилган. Мисол учун, 1969 йилда фарғоналик машҳур ҳажвчи Адҳам Ҳамдамнинг «Саломатликлари керак» деган китобига муаллиф **«Укам Абдуқаюмнинг»** сўзини ёзиб, китоб номини белги билан кўрсатиб қўйибди. Барча сўзларни қўшиб ўқисангиз: **Укам Абдуқаюмнинг саломатликлари керак»** деган чиройли дастхат ҳосил бўлади. Яъни дастхат ҳам ҳажвча.

Мурувват, хайру эҳсон инсонийликнинг энг муҳим намунасидир. Бу борада Фарғона тумани имом-хатиби Ҳасанбой Ашуров 19-мактабда таълим олаётган, кам таъминланган 23 нафар ўқувчи дуосига, савобига қолди. Чунки у ўқувчиларга 87 минг сўмлик китоб дарсликлари олиб берди. Албатта бундай саховатли инсонлар эҳсони жавобсиз қолмайди.

Водийда 80 ёшли Мунисхон ҳожи Кенжабоева деган онахон яшайди. Умрининг ярим асрини тиббиётга бахшида этган бу онахон кам таъминланган, меҳрга муҳтожлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, лозим топилса ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беради. Айниқса, болажонлардан ўз мурувватини аямайди. Туман марказидаги «Қалдирғоч», «Наврўз» болалар боғчасига палас, шолча, китоблар, турли ўйинчоқлар, қандолат маҳсулотлари ҳадя этган бундай онахонга тасанно дейсиз.

— Болажонлар соғ-омон бўлсин, — дейди Мунисхон она. — Улар бахтимиз, келажагимиз. Худо хоҳласа, мен уларга ҳали кўп бора лотин ёзувидаги ва суратли китоблар совға қиламан. Фарзандларимиз феъл-атвори, ахлоқ ва одоби, маънавияти боғча давридаёқ баркамол шакллансин, тили-забони бийрон бўлсин...

Онахонга қуллуқ. Қанийди, бошқа раҳбарлар, тадбиркор ва ишбилармонлар мактаб ҳамда боғчаларга бирров киришса, ўқувчиларга китоблар совға қилишса... Миннатдор болалар буни умр бўйи гапириб юрарди...

Жамолиддин Қодиров ташкил этган уй-музей Фарғона туманида ягона бўлса керак. Беш хонадан иборат бу маскан маънавият-маърифат сарчашмаси билан уйғунлашган. Унда Миндон қишлоғида мактаб-маорифга ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, уларнинг фотосуратлари ва таржимаи ҳоллари бор. Кутубхонада 5 мингдан зиёд китоб мавжуд. Синфдошлари, курсдошлари, касбдошлари, оила шажараси ҳақида тўпланган маълумот, сурат, қўлёзма, видеокассета ва ноёб буюм-анжомлар бор. Булар — Жамолиддин отанинг 30 йилдан буён тўплаган бойликлари...

Мана, инсоннинг ўз туғилган жойига, Ватанига садоқати, эътиқоди, ихлоси, маънавият-маърифатга бўлган меҳру муҳаббати!

2006 йил ижодий сафар билан Хоразмда — Хива шаҳрида бўлганимда, илк бор китоб тайёрлаш Ўрта Осиёда Хивадан бошланганлигини айтишди. Феруз томонидан 1874 йилда тошбосма ишга туширилади. 1876 йилда тошбосманинг биринчи маҳсулоти — Абу Наср Форобийнинг «Нисоб ус-симён» китоби чоп этилган бўлиб, бу китоб ҳозирда Тошкент Давлат шарқшунослик институти фондида сақланмоқда. 1880 йилда ҳукмдор топшириғига кўра, Алишер Навоийнинг «Хамса»си нашрдан чиқади. Бу Туркистонда катта воқеа бўлади.

Энди ўйлаб кўринг, бизнинг боболаримиз, улуғларимиз ўша даврлардаёқ китоб чиқаришни бошлаб беришган экан, бундан фахрланмай бўладими?!

Ҳа, китоб ўқиш керак... Маънавиятни, маърифатни қалбларга сингдириш учун китоб ўқиш керак. Тарихни, ўзликни, миллий қадриятларни билиш учун китоб ўқиш лозим. Ҳаётни тўлароқ идрок қилиш мақсадида қўлга китоб олиш даркордир. Фарзандларимиз ва набираларимизга эртак айтиб бериш учун китоб ўқиш керакдир.

Инсон бўлиш учун китоб ўқиш керак... Китоб ўқинг, азизлар!

Собир ДАДАХЎЖАЕВ.

Маънавият

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.35 1 2 3 5 6